МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 1 сентябр, шанба №139-140 (1154)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## АСАКА ТУМАНИ ПАХТАКОРЛАРИГА

Азиз дўстлар!

Сизларни катта меҳнат ғалабангиз - мамлакатимизда биринчи бўлиб йиллик пахта тайёрлаш шартнома режасини бажарганингиз билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Ҳар йили қишлоқ хўжалиги соҳасида шундай зафарларни қўлга киритиш сиз, аҳдига содиқ асакалик деҳқонлар учун анъанага айланиб қолгани таҳсинга сазовор.

Айниқса, пахтачилигимиз тарихида мисли кўрилмаган воқеа — белгиланган режанинг август ойида бажарилишини лафзи ҳалол, заҳматкаш деҳқонларнинг, туман аҳлининг фидокорона меҳнати самараси, андижонликларга хос ғайрат-шижоатнинг амалда намоён бўлиши, деб биламан.

Ҳар биримиз учун азиз бўлган Ватанимиз мустақиллигининг 10 йиллик шодиёнаси кунларида сизларнинг давлатга 17 минг 300 тонна пахта етказиб берганингиз ўзига хос байрам совғаси сифатида барчамизни мамнун этади.

Бу ғалаба ерга меҳр қўйган андижонлик миришкор деҳқонларнинг қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни изчил амалга ошираётгани, илғор технология ва илм-фан ютуқларидан оқилона фойдаланаётгани, ўз меҳнатидан манфаатдорлик туйғуси кучайиб бораётганининг яна бир тасдиғидир.

Сизларнинг қўшимча равишда яна 6 минг тонна пахта тайёрлаб, умумий ҳосилдорликни гектаридан 40 центнерга етказишга азму қарор қилганингиз изланувчанлик ва ташаббускорлик фазилатларингиздан далолат беради.

Қадрдонларим, сизларни истиқлол байрами билан, қўлга киритган улкан зафарингиз билан яна бир бор қутлайман, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, ишларингизга ривож тилайман.

Меҳнатингиздан, умрингиздан барака топинг, азиз дўстлар!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон**
**Республикаси Президенти**

# ИСТИҚЛОЛ ҚУЁШИ МАНГУ ПОРЛАГАЙ

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ



Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Қадрли меҳмонлар!

Бугун юртимизда яшаётган барча инсонлар, бутун ўзбек халқи учун ҳаяжонли ва қувончли кун.

Мана шу қутлуғ айёмда сиз, азиз юртдошларимни Ўзбекистон мустақиллигининг ўн йиллик санаси билан чин қалбимдан муборакбод этишга рухсат бергайсиз.

Озод ва эркин яшаш учун машаққатли ва аёвсиз кураш олиб борган, қанча-қанча тўфон ва синовларни, зулм ва қатағонларни бошидан кечирган, не-не қурбонлар берган ўзбек халқи учун бу муқаддас айём - йиллар ўтар, асрлар ўтар - абадий сақланиб, энг буюк, энг азиз сана бўлиб қолажак.

Бугун биз мустабид тузум ва қарамлик исканжасидан халос бўлиб, ўз қадр-қимматимиз, муқаддас динимиз, тилимиз ва қадриятларимизни қайта тиклаб, иймон-эътиқодимизга суяниб, ягона халқ ва миллат бўлиб, XXI асрга дадил қадам қўймоқдамиз.

Тарихан жуда қисқа бўлган ўн йиллик даврда ҳаётимизни янгилаш, демократик адолатли давлат ва фуқаролик жамиятининг асосларини яратиш, иқтисодиётимизни бозор муносабатларига ўтказиш, юртимизни обод қилиш ва халқаро майдонда обрў қозониш йўлида амалга оширган бунёдкорлик ишларимиз ҳақида бугун ғурур ва ифтихор билан гапиришга ҳақлимиз, десам, бу ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бунинг тасдиғи - қишлоқ ва шаҳарларимиз, бутун юртимизнинг обод қиёфаси, барқарор суръатлар билан ўсиб бораётган иқтисодиётимиз, мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, барча миллатларнинг мана шу муътабар заминда тотув ва баҳамжиҳат бўлиб яшаётганидир.

Бунинг тасдиғи - ҳаётимизнинг барча жабҳаларида, одамларимизнинг қалбида намоён бўлаётган меҳр-оқибат, мурувват, бағрикенглик каби инсоний фазилатлар ва юртдошларимизнинг эртанги кунга кучайиб бораётган ишончидир.

Бир сўз билан айтганда, озод Ўзбекистон бугун жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллади. У янги ҳаёт, янги жамият қуриш йўлида олиб бораётган ислоҳотлари билан, яратувчанлик меҳнати билан, ўзининг мустақил ички ва ташқи сиёсати билан дунё халқларининг ҳурмат-эътиборини, айтиш мумкинки, ҳавасини ўзига тортмоқда.

Кўпни кўрган, не-не синов ва қийинчиликларни бошидан кечирган, ҳаётнинг барча оғирликларига бардош бериб, йўлидан адашмаган халқимизни ўз олдига буюк вазифа қилиб қўйган озод ва эркин, фаровон ҳаётга эришиш мақсадидан энди ҳеч ким ва ҳеч қачон қайтара олмайди.

Бизнинг истиқлол йўлида қўяётган шаҳдам қадамларимиз дўст-биродарларимизни қувонтириб, бизни кўролмайдиган, эришган ютуқларимизга ҳасад билан қарайдиган, танлаган йўлимиздан қайтаришга уринаётган ғанимларимиз учун - улар буни хоҳлайдими, йўқми, бундан қатъи назар - аччиқ ҳақиқат бўлиши даркор.

Азиз юртдошларим!

Бугун барчамиз шуни яхши англаб олмоқдамизки, олдимизга қўйган мақсад ва муддаоларимизга эришиш - буни бошқалар тажрибасидаги кўп-кўп ҳаётий мисоллар асосида кўриш мумкин - ҳеч қачон, ҳеч қаерда осон кечмайди.

Шунинг учун биз бугун ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий-маданий соҳаларда олиб бораётган ислоҳотларимизни доимий ҳаракатга айлантиришимиз ва янада чуқурлаштиришимиз, ҳаётимизнинг негизини ташкил этувчи муҳим принципларга алоҳида эътибор беришимиз керак.

Бугунги куннинг энг муҳим вазифаси - онгу тафаккуримизни замоннинг ўзи талаб қилаётган демократик тараққиёт тамойиллари ва қадриятлари билан бойитиб, уни янги босқичга кўтаришдир.

Лўнда қилиб айтганда, фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини қадрлаш ва ҳимоялаш, уларнинг моддий ва маънавий манфаатларини диққат-эътиборимиз марказида тутиш, инсоннинг меҳнат қилиб муносиб даромад олиши, мулкка эга бўлиши, ижтимоий таъминот, жамиятдаги эътиқод ва сўз эркинлигига кафолат бериш каби масалаларни биз учун энг устувор вазифа деб билишимиз даркор.

Энг муҳими, бундай имконият ва кафолатларни сўзда эмас, амалий ҳаётимизда татбиқ қилиш ҳозирги кунимизнинг энг мураккаб масаласига айланиб қолганини унутмаслигимиз керак.

Бугун бизнинг йўлимиз - ривожланган демократик жаҳон босиб ўтаётган йўл экан, жамиятимизнинг барча-барча жабҳа ва қатламларида, Амир Темур бобомиз ибораси билан айтганда, адолат деган буюк куч

(Давоми 2-бетда).

Мана, мамлакат мустақиллигининг ўн йиллигини нишонлайдиган саодатли кунга ҳам етиб келдик. Бу улуғ айёмда шууримиз улкан қувончга тўлган, кўксимиз - тоғ. Шу билан бирга, бугунги қутлуғ кун ҳар биримизга ўн йил аввалги, нафақат ўн йил, балки юз йиллар нарисидаги воқеаларни эслаб, хулоса чиқариш, истиқлол йилларида эришган ютуқларимизни яна бир бор кўз ўнгимиздан ўтказиш, амалга оширган ишларимиз сарҳисобини қилиш масъулиятини юклайди. Ўн йил бобо тарих учун бир лаҳза, холос. Лекин у халқимиз учун минглйилликларга тенг, балки улардан-да қадрлироқдир.

Ўтган ўн йил ичида иқтисодиётни мустаҳкамлаш, миллий давлатчиликни қарор топтириш, озод Ватанимизга кўз олайтирган кучларга муносиб жавоб бериш, энг муҳими, фуқаролар онгида катта ўзгариш ясаш, янгича тафаккурни шакллантириш, айниқса, ёш авлодни аждодлар мероси, миллий қадриятлар ва замон руҳига мос тарбиялаб вояга етказиш йўлида кўп ишлар қилинди. Асрлар мобайнида ҳурриятни орзу қилиб келган халқимиз бугун ўз иродасини, салоҳиятини тўла-тўкис намоён этмоқда. Бамисоли, чашманинг кўзига бостирилган тош олиб ташланиб, она-замин қаърида бўғилиб ётган қудрат яна қайнаб-тоша бошлади.

Ўн йилда эришган ютуқларимизни санаб адоғига етиш қийин. Буюк аждодларимиз руҳига эҳтиромнинг Ватанга қайтишини, Ватан фарзандларининг дилидан мустаҳкам жой олганини сўзлайликми! Фарзандлари қора меҳнатдан бошқасига ярамайди, деб камситилган юртда замонавий автомобилсозлик саноатининг пайдо бўлганини айтайликми! Четга хомашё сифатида ташиб кетилаётган пахтамизни энг замонавий технологиялар асосида ўз юртимизда ўзимиз тўла қайта ишлай бошлаганимизни таъкидлаймизми! Иқтисодиётининг асосини қишлоқ хўжалиги ташкил этиб келган Ўзбекистон оғир ва енгил саноат, самолётсозлик, автомобилсозлик ва машинасозлик, кончилик, нефт-газ, қайта ишлаш соҳаларида улкан ютуқларни қўлга киритди. Истиқлолнинг илк йилларидаёқ ғалла ва нефт мустақиллигига, энергетика таъминоти борасида барқарорликка эришилиб, юксалиш учун мустаҳкам пойдевор яратилди. Шу аснода қишлоқ хўжалигида ҳам туб ислоҳотлар ўтказилиб, одамларда ерга, мулкка, меҳнатга муносабат ўзгарди.

Бугун иқтисодиётимизда ўн йил аввал тасаввур қилиш ҳам қийин бўлган янги соҳалар пайдо бўлди ва бу жараён изчил давом этмоқда. Ислоҳотларимиз самарасини бугун эслаб қўйсак ва

(Давоми 2-бетда).

## "ШУ АЗИЗ ВАТАН - БАРЧАМИЗНИКИ"

Мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎзА), "Маънавият ва маърифат" кенгаши ҳамкорликда Бадиий Академиянинг кўргазмалар залида ўтказилаётган "Шу азиз Ватан – барчамизники" мавзуидаги навбатдаги фестивал Тошкент вилоятига бағишланди.

Тошкент вилоятида мустақиллик йилларида эришган ютуқлар "Шу азиз Ватан - барчамизники" шиори остида ўтказилаётган фестивалда намойиш қилинмоқда.

Кўргазмадан "Оққўрғон-нон", Янгийўл "АПКО Лаззат", Ўзбек-Корея "Bon Co. ltd", ОАО "Роҳат", Қибрай консерва комбинати, Ангрендаги "Кулол", Паркентдаги ВЕР-АД" маҳсулотлари жой олган.

- Биз ўз маҳсулотларимизни дунёнинг машҳур нашрларида доимий равишда тарғиб қилиб келаяпмиз, - деди "Аммофос"ИЧБ бош директори F. Ибрагимов "Туркистон-пресс" мухбирига. – Шу боис Бермуд ва Багам ороллари Гонгконг шаҳарлари корхонанинг экспорт бўйича доимий шерикларига айланган.

Шунингдек, кўргазмага чинозлик қўлигул усталарнинг кулолчилик буюмлари, рангтасвир асарлари, нозик шойи матодан тикилган нафис аёллар либослари қўйилган. Пискент тумани "Фарҳод" хусусий корхонасида ишлаб чиқарилаётган чинни буюмлар, Тошкент туманидан келтирилган Нодир Музаффаровнинг нозик дид билан яратилган миниатюра қутичалари томошабинлар диққатини ўзига тортмоқда. Бўка, Бўстонлиқ, Ўртачирчиқ, Бекобод туманлари қатнашчилари ўзларининг ажойиб миллий ҳунармандчилик намуналари билан кўргазмага янада чирой бағишламоқда.

## ТАРИХИЙ АДОЛАТНИНГ ТИКЛАНИШИ

***Президент Ислом Каримов ташаббуси билан илк бор «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида мустабид тузум даврида зулм ва зўравонлик қурбони бўлган ватандошларимизни ёд этдик. Мазкур сананинг айнан Мустақиллик байрами арафасида нишонланишида ўзига хос рамзий маъно бор.***

Мустабид тузум даврида халқимизнинг энг кўзга кўринган вакиллари - давлат, маданият ва санъат арбоблари, зиёлилар билан бир қаторда, кўплаб оддий одамлар ҳам «халқ душмани»га чиқарилиб, қатағон қилинган. Уларнинг ортида қолган оила аъзолари, қариндошлари, ёру биродарлари эса хўрлик ва ситамларга гирифтор этилган. Неча минглаб ватандошларимиз ҳурлик, озодлик йўлида шаҳид кетган. Чоризм қамоқхоналарида, Сибир сургунлари ва Сталин авахталарида кўплаб юртдошларимиз ном-нишонсиз йўқ қилиб ташланган. Зўравонлар уларнинг шарафли номларига қўшиб қабрларини, ҳатто қариндош-уруғларини ҳам йўқ қилган. Бундай бахтсизликка учраган миллатдошларимизни, ҳаёти давомида рўшнолик кўрмагани оғир бир ситам, ўн йиллар давомида руҳи чирқиллагани яна бир азоб бўлган ватандошларимизни бугун биз - Истиқлолдек улуғ неъматдан баҳра олаётган авлодлар алоҳида ҳурмат-эҳтиром билан ёд этишимиз ҳам фарз, ҳам қарздир.

Юртбошимизнинг ташаббуси билан Тошкентнинг Юнусобод туманида бунёд этилган «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи уларга эҳтиромнинг ёрқин намунаси бўлди. Истиқлолнинг ўн йиллиги тантанали равишда нишонланадиган 31 август тонгида бу ерга мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган юзлаб ватандошларимиз йиғилди. Тиниқ ҳаводa қушларнинг чуғури олис-олисларга таралади. Хиёбонда ўзбекона тароват. Ҳамма ёқ ораста. Ҳаво шу қадар тоза, симириб тўймайсан киши.

Хиёбонга келаётган одамларни бугун буюк бир дард - ноҳақ қурбон бўлганлар хотирасига эҳтиром бирлаштириб турибди. Кимнинг отаси, кимнинг бобоси машъум қатағон қурбони бўлган. Ҳатто қўйилган ери ҳам сирлигича қолган шаҳидлар улуғ байрам арафасида чуқур эҳтиром билан ёдга олинмоқда. Шу маънода Президентимизнинг жорий йил 1 майда эълон қилинган «Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғриси-

(Давоми 2-бетда).

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Президент Жаноблари!

Ўзбекистоннинг миллий байрами муносабати билан шахсан Сизга ва бутун ўзбек халқига бахт-саодат, омонлик ва муваффақиятлар тилаб билдирган ғоят самимий истакларимни йўллаш менга мамнуният бахш этади.

Мустақилликнинг ўн йиллиги байрам қилиниши мазкур санага алоҳида тантанаворлик бағишлайди. Мана шу ўн йил мобайнида мамлакатларимиз ўртасида ғоят яқин муносабатлар қарор топганидан жуда мамнунман. Бу ҳол ҳамкорлигимизнинг барча соҳаларида ўз ифодасини топган ва катта муваффақиятларга омил бўлмоқда. Келгусида мамлакатларимиз ўртасидаги шундай сермазмун ва ўзаро ишончга асосланган мулоқот яна ҳам мустаҳкамланишига тилакдошман.

Президент Жаноблари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

**Жак ШИРАК,**
**Франция Республикаси Президенти**

* * *

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент Жаноблари!

1 сентябр куни нишонланадиган Мустақиллигингизнинг ўн йиллиги муносабати билан Америка халқи номидан Ўзбекистон халқини муборакбод этаман ва эзгу тилаклар йўллайман.

Гарчи Ўзбекистон яқиндагина мустақил давлат бўлишга эришган эса-да, у қадимий тарих ва буюк маданиятга эгадир. Қўшма Штатлар Ўзбекистон жаҳон майдонида мустақил давлат сифатида ўзини тобора тўлароқ намоён этаётгани сари у билан ҳамкорлик қилишни мамнуният билан давом эттирмоқда. Ўзбекистон Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорлик йўлларини излаш жараёнининг муҳим қатнашчиси бўлиб қолди.

Мамлакатларимиз муҳим минтақавий ва дунёвий муаммоларни ҳал этиш мақсадида биргаликда ва самарали ҳамкорлик қилмоқда. Мен мазкур соҳаларда ҳамкорлигимизнинг янада мустаҳкамланиб боришини сабрсизлик билан кутаман. Қўшма Штатлар чинакам демократик жамият барпо этишда Ўзбекистонга ёрдам кўрсатишни давом эттиради. Сизларнинг ушбу мақсадга эришиш йўлидаги муваффақиятларингиз Ўзбекистон ва унинг халқи учун келгуси йилларда тинчлик ва равнақни таъминлашда ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Мен халқингизга унинг истиқболи бехатар ва самарали бўлишини тилайман. Кейинги ўн йилликлар давомида мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар янада мустаҳкамланиб бораверсин.

Самимий эҳтиром ила,

**Жорж БУШ,**
**Америка Қўшма Штатлари Президенти.**

* * *

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Миллий байрамингиз муносабати билан бутун Италия халқи ва шахсан ўз номимдан Мустақилликнинг ўн йиллик юбилейини нишонлаётган ўзбек халқининг келгусида равнақ топишини истаб билдирган энг эзгу тилакларимни Сизга йўллашдан мамнунман.

Сизнинг Римга буюрган унутилмас ташрифингизни эслар эканман, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини чуқурлаштириш учун янги-янги имкониятлар пайдо бўлади, деб ишонч билдираман.

Шахсан Сизга омонлик тилайман.

**Карло Адзельо ЧАМПИ,**
**Италия Республикаси Президенти**

(Давоми 3-бетда).

# ИСТИҚЛОЛ ҚУЁШИ МАНГУ ПОРЛАГАЙ

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

(Боши 1-бетда)

нинг ҳукм суриши, одамларимизнинг эркинлиги ва ташаббусининг очилиши, ҳаётимизда намоён бўлиши учун зарур имкониятларни нечоғли туғдириб беришимизга боғлиқ эканини тушуниб, англаб олишимиз керак.

Эзгу мақсад ва ниятларимизга эришишнинг энг муҳим шарти - бу юртимиздаги тинчлик, осойишталикни сақлаш, бугун авжига чиқаётган террорчилик, диний экстремизм, гиёҳвандлик, ақидапарастлик каби хавф-хатарлардан огоҳ бўлиш, бир сўз билан айтганда, ўз уйимизни ўзимиз асрашимиз кераклигини яна бир бор таъкидлаб ўтишни ўринли, деб биламан.

Азиз ва мўътабар юртдошларим!

Биз кундалик ташвишлар, турли юмушлар билан овора бўлиб, ҳаётнинг қанчалик тез ўтиб кетаётганини баъзан сезмай ҳам қоламиз.

Мустақиллик йили туғилган болаларнинг бугун ўн ёшга, ўша пайтда мактабга борган фарзандларимиз эса ўн етти ёшга тўлиб, умрининг навқирон бир фаслига қадам қўйганини кўриб, одам таъсирланади, жондан азиз ўғил-қизларимизнинг ҳаётга янги орзу ва катта умид, ишонч билан кириб келаётганидан қалби завқу шавққа тўлади.

Шубҳа йўққи, орадан йиллар ўтади, халқимиз ҳаётида ҳали бундан ҳам катта ўзгаришлар рўй беради. Эл-юртимиз янги-янги улкан ютуқларни қўлга киритади, иншооллоҳ.

Биздан кейин келадиган кўп-кўп авлодлар, албатта, мустақилликка эришганимизни ҳаёт мезонлари билан ўлчаб, унга ўз баҳосини беради.

Лекин бугун виждонимиз олдида ҳисоб бериб айтадиган бўлсак, бунга ким қайси кўз билан қарамасин, Ўзбекистон мустақиллиги кўп минг йиллик тарихимиз саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан ёзиладиган буюк тарихий воқеа бўлиб қолиши муқаррар.

Бу ҳақиқатни ҳеч ким, ҳеч қачон инкор этолмайди ва инкор этишга ҳаққи ҳам йўқ.

Муҳтарам ватандошларим!

Жаҳон - кенг, дунёда мамлакат кўп, лекин бу оламда бетакрор она юртимиз, Ўзбекистонимиз яккаю ягонадир. Бу гўзал юрт, бу муқаддас замин фақат бизга ато этилган. Мана шу улуғ туйғу ҳар биримизнинг дилимизга жо бўлиши, ҳаётимиз мазмунига айланиши лозим.

Мен бугунги улуғ сана, буюк байрам тантанасида мана шундай мислсиз ютуқларимизнинг ижодкори ва бунёдкори бўлган, барча қийинчилик ва машаққатларга сабр-тоқат билан бардош берган, белни маҳкам боғлаб, бир ёқадан бош чиқариб фидокорона меҳнат қилган олижаноб халқимизга фарзандлик меҳри ва муҳаббати билан таъзим қиламан.

Аввало, дуогўй отахонларимизга, мунис онахонларимизга, заҳматкаш деҳқонларимизга, қўли гул ишчиларимизга, илму фан ва маданият намояндаларига, мард ва жасур ҳарбийларимизга, униб-ўсиб келаётган ўғил-қизларимизга - бутун Ўзбекистон халқига бугунги муборак байрам муносабати билан ўзимнинг самимий тилакларимни билдираман.

***Мана шу қутлуғ байрам барчамизга муборак бўлсин!***
***Ўзбекистонимиз истиқлоли абадий бўлсин, дунё тургунча турсин!***
***Юртимиз тинч, осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлсин!***
***Барча эзгу ишларимизда Яратганимизнинг ўзи мададкор бўлсин!***

(Боши 1-бетда)

бундан ғурурлансак арзийди. Неча йилдирки, Ўзбекистондаги ижобий ўзгаришлар, эришган ютуқларимиз чет элларда ҳам овоза бўлмоқда, хорижликлар тилига «Ўзбек модели» деган ибора тушди.

Одатга кўра, Истиқлол байрами 31 август куни оқшом мамлакатимизнинг бош майдони - Мустақиллик майдонидан бошланади ва бутун мамлакат бўйлаб давом этади.

Бу йил ҳам Мустақиллик майдони халқимиз қалбида туғён ураётган шодлик ва беқиёс қувончнинг тимсолига айланган. Улкан майдон бу йил ҳам мингларча иштирокчи ва меҳмонларга тўла. Бинолар, улкан саҳна, амфитеатр жуда чиройли безатилган. Қирмизи шафақ томондан эсган ўйноқи шаббодада байроқлар ҳилпирайди, шиорлар кўзни қамаштиради, гулдаста кўтарган қизалоқлар, қўлида шар тутган, икки лунжини тўлдириб ширинлик емоқда бўлган болажонлар, бири-биридан сулув, лобар қизлар, ўктам йигитлар, нуроний отахону онахонлар - мустақиллик ижодкори бўлган ватандошларимиз майдонни тўлдирган.

Ҳукумат аъзолари, Олий Мажлис депутатлари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий давлатлар элчихоналари, халқаро ташкилотлар, турли фирма ва компаниялар ваколатхоналарининг вакиллари, энг улуғ ва энг азиз байрамимизга ташриф буюрган бошқа хорижлик меҳмонлар, маданият ва санъат намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар амфитеатр саҳнидан жой олди. Байрам бошланаётганидан огоҳ қилувчи чорлов садолари ҳавони титратганда, кўнгил ҳаяжондан ҳаприқади.

Минбарга мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов таклиф этилади.

Юртбошимиз мустақиллигимизнинг ўн йиллиги муносабати билан бутун Ўзбекистон халқини муборакбод этди.

Майдон узра Ўзбекистон Давлат мадҳияси янграйди. Мадҳияга барча иштирокчилар, меҳмонлар, ота-онасининг қўлидан тутиб келган болажонларимиз жўр бўлади. Неча минг юракдан отилиб чиқаётган садолар бутун дунёга таралаётгандек. Асли, шундайлиги рост ҳам. Миллий байрамимиз тантаналарини элликдан ортиқ мамлакат бевосита телевизор орқали томоша қилиш имконига эга бўлди. Шунингдек, интернет тармоғи орқали у дунёнинг телетўлқин етиб бормаган олис бурчакларига ҳам кириб боради.

Энг улуғ ва азиз байрамимиз нафақат пойтахтнинг марказий майдони, балки мамлакатдаги барча шаҳару қишлоқларда, ҳар бир хонадонда кўтаринки руҳда нишонланаётгани Ўзбекистон тараққиётининг асосий устувор йўналишларини белгилаб олишда тўғри йўл тутилгани, ҳар қандай ёш мустақил давлат олдида учраши мумкин бўлган табиий ва ғайритабиий тўсиқларга қарамасдан, қўйилган вазифалар адо этиб келинаётганининг яққол тасдиғидир. Саховатли кишиларнинг букилмас иродаси, фидойи юртдошларимизнинг Ватан равнақи йўлидаги хизматлари билангина бугунги даражага чиқдик. Ўзини ўн йил аввалги ҳолатига қиёслаган ҳар бир фуқаро жуда катта фарқни яққол кўради. Боқимандалик, давлатга бегонадек муносабатда бўлиш кайфияти йўқ. Аксинча, бозор кўникмалари ҳосил бўлди, мулкчилик шаклланди, тадбиркорликка, хусусий бизнесга кенг йўл очилди.

Ўзбекистон халқаро майдонда тинчликпарварлик сиёсатини юритиб, мавжуд муаммоларга дадиллик ва фаоллик билан ечим топишга ҳаракат қилиб келмоқда. Ана шу саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, Афғонистон муаммосига, Орол инқирозига, халқаро террор, диний экстремизм ва наркомафия каби иллатларга жаҳон ҳамжамиятининг эътибори қаратилди.

Эътиборли томони шундаки, бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти Ўзбекистонни Марказий Осиё минтақасидаги барқарорлик таянчи сифатида эътироф этади.

Давлатчиликни шакллантириш, иқтисодий мустақиллик асосини мустаҳкамлаш билан бирга, ҳарбий салоҳиятимизни оширмоқдамиз. Ҳокимият органлари тубдан ислоҳ этилди. Давлатчилигимизнинг ютуғи шундаки, унда миллий ва замонавий анъаналар уйғунлашиб, ўзимизгагина хос алоҳида бир тизим яратилди.

Қишлоқ ва шаҳарларимизнинг қиёфаси тубдан ўзгарди. Меҳр-оқибат, мурувват, бағрикенглик, энг муҳими, илгари бўлгани каби мавҳум мамлакатга эмас, ўз қўлимиз билан



гуллатаётган Ватанга муҳаббат қарор топди. Бунинг сабаблари кўп. Сабаб - иқтисодиёт барқарор ривожланиб бораётгани, фуқароларда эртанги кунга умид-ишончнинг бардавомлиги, юртдаги тинчлик, осойишталик. Сабаб - ижтимоий тотувлик, ҳамжиҳатлик, бирдамлик. Сабаб - ғаразгўйларнинг нияти тошга теккан ойнадек чилчил бўлаётганини ҳамма кўриб тургани. Сабаб - халқнинг ўз доно Йўлбошчисига, Йўлбошчининг эса ўз фидойи халқига садоқати. Сабаб - Истиқлол миллат орзуси эди ва у ижобат бўлгач, озод Ватанни гуллатиб-яшнатиш ҳар биримизнинг ҳам муқаддас орзумизга, ҳам олий бурчимизга айлангани!

Бугун Мустақил Ўзбекистон фуқаросиман, деган ҳар бир кишининг қалбида қувончу эҳтиросга тўла туйғулар жўш урмоқда. Ўн йил ичида кўп ютуқларни қўлга киритдик. Ҳуррият йўлида аждодларимизнинг дарё-дарё қони тўкилганини биламиз. Ватаннинг забардаст, фидойи ўғлонларининг шонли кураши биз, авлодларга Мустақиллик деган мева берди. Эндиги вазифамиз Истиқлолимизни ёмон кўзлардан асраб-авайлаш, уни ҳар томонлама мустаҳкамлаш, авлодларга озод ва обод мамлакат қолдиришдан иборатдир. Ана шу мақсадларимизга тўсқинлик қилувчилар бўлди. Лекин биз Йўлбошчимиз раҳбарлигида бунёдкорлик йўлини танладик. Фарзандлар, ёш авлод тарбиясига эътиборни кучайтирдик. Айни пайтда ҳар бир фуқаро ўзини ҳам Ватаннинг бунёдкори, ҳам Ватаннинг қўриқчиси, деб билади.

Ҳа, ўн йиллик давр - бобо тарих учун бир лаҳза. Лекин ана шу лаҳзани ҳар жабҳада гўзал қила олдик. Келгусида ҳам қилган ҳар бир ишимиз, ўтган ҳар бир кунимиз тарихга зарҳал ҳарфлар билан битилаверишига аминмиз. Зеро, Мустақилликнинг ўтган ўн йиллигини нишонлаётганимиз танланган йўлнинг тўғрилиги, қийинчиликлар ўткинчи, озод Ватан келажаги буюк эканини яна бир бор тасдиқлайди. Дўстларимизнинг қувончи, ғанимларимизнинг қайғусига сабаб бўлган улкан ютуқлар - ўзимизники...

...Майдонда театрлаштирилган томоша бошланди. Томошабинлар кўз ўнгида 2700 йиллигини нишонлайдиганимиз «Авесто»ни яратган олис аждодларимиз сиймоси пайдо бўлади. Сўнг ҳазрат Алишер Навоий, ислом оламининг устунларидан бўлган Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Ал-Мотуридий, Баҳоуддин Нақшбанд, Ал-Марғиноний кабиулуғларимиз, Ал-Беруний, Ал-Фарғоний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Бобур Мирзо сингари алломаю мутафаккир боболаримиз сиймоси гавдаланади.

Қўлида қилич билан Ватанни ҳимоя этган Тўмарис она, халқимизга озодлик учун доим курашиш лузумотини эслатиб турадиган жасур Жалолиддин Мангуберди, миллат қудратини, шаъну шавкатини дунёга таратган буюк бобомиз Амир Темур сиймолари томошабинларни бобо тарих сабоқларидан яна бир бор огоҳ этади.

Бу йил 2500 йиллик тўйи нишонланадиган Термизни улуғловчи саҳна кўринишлари Сурхондарёнинг дилни қитиқловчи оҳанглари воситасида намойиш этилади. Улкан саҳнани тўлдириб рақс тушаётган йигит-қизлар ҳаракатидаги чаққонлик ҳаммани сеҳрлайди.

Мамлакат қудрати унинг иқтисодий салоҳияти, маънавий-маданий бойликлари билан ўлчанади. Айни чоғда, Ватан озодлигининг қалқони бўлган ҳарбийларсиз юрт осойишталигини тасаввур этиб бўлмайди. Бир неча хил қўшин турларининг вакиллари бўлган ҳарбийлар жанговар ноғоралар садоси остида шахдам қадам ташлаб, Ватанни улуғлайдиган қўшиқларни жўр бўлиб куйлаб майдонга кирди. Уларни тинглай туриб, абжир йигитларнинг турли ҳарбий машқларидан намуналар томоша қила туриб, ҳамманинг



дилида ифтихор, Ватан сарҳадлари ишончли қўлларда эканига ишонч ҳисси ошгани, шубҳасиз.

Она Ватан келажаги бўлган болаларнинг чиқишлари ҳам томошабинларда тотли таассурот қолдирди. Истиқлол тенгдошлари бўлган ўғил-қизларимизнинг бурро тили, мустақил Ватанни тараннум этаётган жарангдор овози кишини беихтиёр истиқболда ҳаётимиз қандай бўлиши ҳақидаги хаёлларга чулғайди. Биз фарзандларимизга ўзимиздан озод Ватан қолдиряпмиз, фаровон турмуш учун шарт-шароит, муҳит яратиш йўлида меҳнат қилмоқдамиз. Улар эса Ватанимизнинг қудрати, шуҳрати янада юксакроқ бўлиши учун она юртга биздан-да муносиброқ бўлади.

Мамлакатимизнинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасидан келган санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар, мафтункор рақслар миллий маданиятимизнинг нақадар бой ва ранг-баранг эканлигини яна бир бор оламга намойиш этди. Ҳамманинг дилида битта ўй - Ватан! Ҳамманинг тилида битта сўз -Истиқлол!

Мамлакатимиз эстрада юлдузлари ижросидаги дастур айниқса дилларга завқ бағишлади. Шуниси қувончлики, замонавий эстрада санъатимиз миллий қадриятларимизга вобаста, қадимий оҳангларимиз йўлидан ривожланиб бормоқда. Ҳукуматимизнинг маданият ва санъатга, хусусан, миллий эстрада ривожига эътибори, соҳа вакилларига ғамхўрлиги юртни мадҳ этувчи гўзал асарлар пайдо бўлишига имкон яратмоқда. Байрам концерти дастурининг қарийб ярми шундай замонавий куй-қўшиқлар билан тўлдирилган. Охирги композицияни барча санъаткорлар жўр бўлиб куйлашганда эса саҳна ва амфитеатр бир вужудга айланиб кетгандек бўлди. Катта тантана ана шундай юқори парда, ажойиб оҳангларда якунига етди.

Байрам томошаси улкан мушакбозлик билан ниҳояланди.

**Мусулмон НАМОЗ,**
**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА мухбирлари.**

# ТАРИХИЙ АДОЛАТНИНГ ТИКЛАНИШИ

(Боши 1-бетда)

да»ги Фармони ниҳоятда катта савоб иш бўлди. Мазкур ҳужжатда таъкидланганидек, эл-юртимиз озодлиги ва эркинлиги йўлида, халқимизнинг қадр-қиммати, ор-номусини, миллий анъаналаримиз ва урф-одатларимизни ҳимоя қилишда, босқинчи ва ёвуз кучларга қарши машаққатли курашларда қурбон бўлганлар, ноҳақ жабр-зулм кўрган минглаб ватандошларимиз хотираси авлодлар ёдида абадий сақланиб қолади.



Фармонга мувофиқ, ҳозир «Шаҳидлар хотираси» мажмуини янада ободонлаштириш, «Қатағон қурбонлари хотираси» музейини ташкил қилиш ҳамда махсус радиолаштириш тизимини жорий этиш борасидаги тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Хусусан, кўплаб қатағон қурбонларининг номлари аниқланиб, уларга тааллуқли буюмлар, шунингдек, фаолиятига доир материаллар, қизиқарли ахборотлар, суратлар ва бошқа ҳужжатлар йиғилмоқда. Улар, табиийки, ноҳақ зулмга учраб, шаҳид кетган ота-боболаримизнинг фожиали қисматини ёдга солиб туради. Шу билан бирга, қайсидир маънода, ёшларга истибдод даври тарихидан сабоқ бериши баробарида, барчамиз учун энг улуғ неъмат - Мустақилликка ўз-ўзидан эришмаганимизни эслатиб туради.

Қатағон қурбонларини ёд этиш - фақат хотира маросими эмас. Бу жамиятда қарор топаётган юксак инсонпарварлик ифодасидир.

Соат 07.00. Хиёбонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келди.

Меҳмонлар хиёбонда ёзилган дастурхон атрофидан жой олди. Шаҳидлар ҳаққига Қуръон тиловат қилинди. Таомилга биноан ош тортилди.

Давлатимиз раҳбари хиёбондаги рамзий қабрга гул қўйди. Шундан сўнг бу ерда барпо этилажак «Қатағон қурбонлари хотираси» музейининг макети билан танишди. Музейнинг жойлашуви, ташқи қиёфаси, моҳияти ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди. Жумладан, музей анҳор ёқасида жойлашмоғи, миллий меъморлик анъаналарини ўзида мужассам этмоғи мақсадга мувофиқ бўлишини таъкидлади.

- Мажмуага зиёратга келган киши музейни ҳам зиёрат қилади, -деди Президент. - У ўзига хос маънавият ўчоғига айланиши керак.

Қулайлик учун музейга тўрт томондан эшик очиш мўлжалланмоқда. Ислом Каримов унинг гумбазини ичкарини қуёш нури билан ёритадиган усулда қуриш ҳақида фикр билдирди. Бу билан шаҳидлар руҳи Истиқлол қуёшининг нуридан баҳра олган бўлади.

- Чўлпон айтганидек, халқ денгиздир, - деди мамлакатимиз раҳбари. - Ҳар қанча жабр-зулм етказиш мумкин, лекин халқнинг иродаси букилмайди. Бугунги тадбирнинг моҳияти шундаки, маънавиятга, аждодлар меросига эътибор қаратмасдан, фақат иқтисодиётни ривожлантириш, давлатчиликни мустаҳкамлаш билан чекланиб қолиш мумкин эмас. Одамга биринчи навбатда нима муҳим -моддий озуқами ё маънавий? Албатта, озиқ-овқат инсон учун тириклик манбаи, лекин Яссавий бобомиз таъбири билан айтганда, одам боласи фақат қорин ғами билан яшаса, унинг инсонлиги қаёкда қолади.

Бу муқаддас қадамжода туриб, Яратгандан аждодлар меросини асраб-авайлашимизни, чуқур ўзлаштиришмизни, кимларнинг авлоди эканлигимизни теран англаб, доимо боболаримизга муносиб бўлиб юришимизни сўрайман. Ўз илдизларини билган халқ асло завол кўрмайди, келажаги порлоқ бўлади.

Бу ерга келганлар шифтига «Ватан озодлиги йўлида шаҳид кетганлар хотираси мангу барҳаётдир» сўзлари битилган гумбаз тагида ноҳақ зулм чеккан ватандошларимиз ҳаққига дуо қилар экан, шундай ёруғ кунларга етказгани, ҳақиқат ва тарихий адолат тиклангани учун Тангрига шукроналар айтади.

**(ЎзА).**

***30 август куни кечқурун Самарқанднинг юраги ҳисобланган кўҳна Регистон майдонида бир ҳафта давом этган «Шарқ тароналари» III халқаро мусиқа фестивали якунланди. Юртбошимиз Ислом Каримов ташаббуси билан асос солинган, ҳар икки йилда бир марта ўтказилаётган анъанавий мазкур фестивал ўзбек мумтоз мусиқа маданиятини жаҳонга янада кенгроқ танитиш, айни пайтда, дунё мусиқа маданияти янгиликларини юртимизда намойиш этишда, бир сўз билан айтганда, маданиятларни яқинлаштиришда катта хизмат кўрсатмоқда.***

# ХАЛҚАРО МУСИҚА ФЕСТИВАЛИ ЯКУНЛАНДИ

Фестивал якунига бағишланган тантанали маросимда Бош вазир ўринбосари, «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ташкилий қўмитаси раиси Ҳ.Кароматов сўзга чиқди. У фестивалнинг «Энг яхши миллий қўшиқ ижроси учун» танлови ғолибларига ва барча иштирокчиларга миннатдорлик билдириб, ижодий муваффақиятлар тилади.

«Энг яхши миллий қўшиқ ижроси учун» танлови ғолибларини эълон қилиш ва совринларни топшириш учун сўз фестивал жюри ҳайъатининг раиси жаноб Хан Мюнг Хига берилади.

Фестивалнинг биринчи даражали совринига озарбайжонлик Олим Қосимов ва ўзбекистонлик мумтоз қўшиқ ижрочилари Соҳибжон Ниёзов ҳамда Набижон Иброҳимов сазовор бўлди. Иккинчи даражали совринни ҳиндистонлик Матхушри хоним ва Грузиянинг «Лашари» гуруҳи қўлга киритди. Учинчи даражали соврин эса туркиялик санъаткор Нахиди Тўғуз ва Юнонистоннинг халқ чолғу асбоблари музейи қошидаги мусиқа гуруҳига насиб этди.

Фестивал иштирокчиларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига йўллаган Миннатдорлик мактубини Жаноб Хан Мюнг Хи ўқиб эшиттирди. Унда, жумладан, шундай дейилади:

«Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллик қутлуғ тўйи арафасида ўтказилган мазкур фестивал бизга бир олам завқ ба-

(Давоми 3-бетда).

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

(Боши 1-бетда)

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!

Азиз қардошим!

Дўст ва қардош Ўзбекистоннинг мустақиллиги муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларини ва ўзбек халқини шахсан ўз номимдан ва турк халқи номидан энг самимий тилакларим билан қутлайман.

Қардош Ўзбекистон мустақилликка эришган 1991 йилдан буён ўтган ўн йил даврда мустақиллигини мустаҳкамлаб, минтақасида барқарорлик тимсолига айланди ва халқаро ҳамжамиятда ҳурматга сазовор ўринни эгаллади. Ўзбекистоннинг бу қисқа муддат ичида қўлга киритган ютуқлари ва амалга оширган ишлари Туркия учун ҳам фахрбахшдир.

Мамлакатларимиз ўртасида барча соҳаларда катта ютуқларга эришилган алоқаларимизнинг ва ҳамкорлигимизнинг халқларимиз ўртасидаги чуқур қардошлик ришталаридан куч олиб, бугунга қадар бўлгани каби, бундан кейин ҳам Сиз, Зоти Олийларининг ҳиссангиз билан янада ривожланишига чин қалбимдан ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Зоти Олийларига саломатлик ва бахт, қардош ўзбек халқига фаровонлик ва омонлик тилаган ҳолда энг эзгу истакларимни изҳор этаман.

**Аҳмет Нeждет СЕЗЕР,**
**Туркия Республикаси Президенти**

* * *

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

1 сентябр - Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами ҳамда мустақиллик эълон қилинганлигининг ўн йиллиги муносабати билан бутун болгар халқи ва шахсан ўз номимдан йўллаётган ғоят самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.

Болгария Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси турли соҳаларда болгар ва ўзбек халқларининг манфаатлари йўлида тенг ҳуқуқли, ўзаро фойдали алоқаларни ривожлантириш учун бундан буён ҳам янги имкониятларни фаол излаб топаверишига ишончим комил эканлигини таъкидлайман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига бўлган юксак эҳтиромимни яна бир бор изҳор этаман ҳамда Сизга сиҳат-саломатлик, омонлик ва масъулиятли фаолиятингизда ютуқлар, Ўзбекистон халқига эса бошланган ишларнинг муваффақиятли якунини, янада фаровон ҳаётни тилайман.

**Петр СТОЯНОВ,**
**Болгария Республикаси Президенти**

* * *

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Улуғ сана - Ўзбекистон Мустақиллиги куни муносабати билан Покистон халқи ва ҳукумати номидан Ўзбекистон Республикаси халқи ва ҳукуматига энг самимий тилакларимизни йўллашдан бағоят мамнунман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, Ўзбекистон халқига эса бардавом равнақ ва фаровонлик тилайман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул этгайсиз.

**генерал Парвез МУШАРРАФ,**
**Покистон Ислом Республикаси Президенти**

* * *

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Мамлакатингиз Мустақиллигининг ўн йиллиги муносабати билан Сизга ва Ўзбекистон халқига ғоят самимий қутловларимни йўллашдан бахтиёрман.

Ўзбекистон 1992 йилнинг мартида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлган вақтдан буён мазкур ташкилотга катта мадад кўрсатиб келади. Бу мадад қўшни Тожикистондаги можарони сиёсий томондан ҳал этиш йўлини излаб топишга қўшилган катта ҳиссадан ҳамда Афғонистондаги можарога барҳам бериш чораларини топиш мақсадида халқаро ҳамжамиятнинг саъй-ҳаракатларида фаол иштирок этишдан иборатдир. Мамлакатингизнинг ташаббуси ва фаол етакчилигида Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона вужудга келтиришда жиддий силжишга эришилди.

Мана шундай тадбирлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг олижаноб мақсадларини рўёбга чиқариш борасида кўпчилик бўлиб сарфлаётган куч-ғайратимизга қўшилган муҳим ҳиссадир. Келгуси йилларда яқин ҳамкорлигимиз давом эттирилишига ишончим катта. Халқингизга кўпдан-кўп муваффақиятлар ва равнақ тилайман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни лутфан қабул қилгайсиз.

**Кофи АННАН,**
**Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби**

# ХАЛҚАРО МУСИҚА ФЕСТИВАЛИ ЯКУНЛАНДИ

(Боши 2-бетда)

ғишлади. Фестивал ғоят қизғин ва ниҳоятда кўтаринки руҳда ўтди. Ўйлаймизки, бундай анжуманлар халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади».

Республика Маданият ишлари вазири Х.Жўраев Миср Араб республикаси санъаткорларига фестивалнинг махсус совринини топширди.

Россиянинг Олтой ўлкасидан келган Булат Байришев ва қирғизистонлик Нурек Абдураҳмоновга ЮНЕСКО таъсис этган махсус совғаларни ЮНЕСКО вакили Н.Айкава хоним топширди. Шунингдек, Н.Айкава хоним Сурхондарё вилоятининг Бойсун туман халқ оғзаки ижоди дунё бўйича махсус эътироф этилганини таъкидлаб, уларга шу ҳақда ЮНЕСКОнинг махсус сертификатини тақдим этар экан, ўзининг самимий тилакларини билдирди:

- «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали 1997 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилганлигини фахр билан таъкидлайман. ЮНЕСКО бу анжуманни ўз раҳнамолигига олди. Ўтган давр ичида фестивал халқаро ҳамжамиятда катта обрў, нуфузга эга бўлди. Фестивал халқлар ўртасида маданий хилма-хилликни тарғиб этиш воситасига айланди. Мумтоз санъат дурдоналари учун таъсис этилган соврин Ўзбекистонда жаҳоний аҳамиятга молик миллий қадриятларга бўлган юксак эътибор намунасидир.

Яқинда ЮНЕСКО дунё цивилизациясига ҳисса қўшган 19 та маданий дурдоналар масканлари рўйхатини эълон қилди. Улар орасида Бойсун тумани халқ оғзаки ижоди маданий меросининг борлиги Ўзбекистон маданияти жаҳон нигоҳида эканлигидан далолат беради.

Ўзбекистон мустақиллик йилларида ўз маданий меросини қадрлабгина қолмасдан, уни кенг дунёга намойиш этмоқда. «Шарқ тароналари» I халқаро мусиқа фестивали ғолиби Муножот Йўлчиеванинг шу йил май ойида Париждаги санъат ва маданият фестивалида ўз истеъдоди билан дунё жамоатчилигини лол қолдиргани фикримизнинг яна бир далилидир.

Регистон майдони байрам мушакларидан таралган ёғдудан нурафшон бўлди. Фестивал байроғи туширилди. Жаҳон маданияти саҳнасида ёрқин из қолдирган «Шарқ тароналари» III халқаро-мусиқа фестивалига якун ясалди.

- Ўзбекистонга келиб бунчалик ҳаяжонли таассуротлар оламан деб сира уйламаган эдим, - дейди фестивал ғолиби озарбайжонлик Олим Қосимов. - Ўзбекистон халқининг санъатсеварлиги, меҳмондўстлиги мен ўйлагандан ҳам зиёда экан. Фестивал баҳонасида ўзбек қардошларимизнинг бугунги ҳаёти, амалга ошираётган ишлари, орзу-ўйлари билан яқиндан танишдим. Қисқа вақт ичида кенг имкониятларни қўлга киритган, улкан мақсадларни олдига қўйган халқнинг келажагига шубҳа йўқ. Бундай эзгу ниятлар билан яшаётган, тинчлик йўлини тутган элга ҳар қандай байрам ярашади.

**Уйғун РЎЗИЕВ,**
**Ўза мухбири**

### *Юртимиз байроғини баланд кўтараётганлар*

***Ёшлар масалаларига бағишланган йиғилишда Президентимиз Ислом Каримов ижод аҳлига, маданият намояндаларига мурожаат қилиб: «...Нуфузли мусобақаларда юртимиз байроғини баланд кўтараётган ўнлаб ажойиб ўғил-қизларимиз, айтайлик, бокс бўйича, кураш, шу жумладан, ўзбек кураши, таэквондо, каратэ, шахмат ёки теннис бўйича салмоқли ютуқларга эришаётган спортчиларимизнинг ҳаёти ва фаолияти китобларга, фильмларга мавзу бўлишга арзимайдими? Нима учун биз уларни замонамиз қаҳрамонлари деб улуғламаймиз?» - деган эдилар. Хусусан, бокс бўйича Олимпия чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаевнинг жаҳон рингларида кўрсатган жасорати йирик бадиий асарларга мавзу бўлиши мумкинлигини таъкидлагандилар.***




Президентимизнинг бу сўзлари бир гуруҳ ижодкорларни бокс борасидаги барча юксак унвонларни қўлга киритган - мамлакат, қитъа ва жаҳон чемпиони, Осиё ўйинлари, жаҳон кубоги ва Олимпиада ғолиби Муҳаммадқодир Абдуллаев ҳақида асар яратишга ундади.

Давлат матбуот қўмитаси раҳбарияти шундай ижодкорларнинг бир гуруҳини тўплаб, уларнинг эзгу ниятларини қўллаб-қувватлади ва Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриётини бўлажак китобга масъул этиб тайинлади.

Ватанимиз мустақиллигининг 10 йиллик тўйи арафасида ижодкор ва נаширларнинг ҳамкорлиги самараси ўлароқ, Муҳаммадқодир Абдуллаев тўғрисидаги «Ўзбегимнинг баҳодири» ҳужжатли қиссаси нашрдан чиқди.

Ҳужжатли қисса Ўзбекистон спортининг унутилмас лаҳзалари - Муҳаммадқодир Абдуллаевнинг Сидней олимпиадасидаги оламшумул ғалабаларини акс эттириш билан бошланади. Сўнгра, Муҳаммадқодирнинг боксга кириб келишидан токи Олимпия чўққисига кўтарилгунга қадар босиб ўтган машаққатли, лекин шарафли йўли бадиий лавҳаларда очиб берилади.

Кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган ушбу китобда жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти тўғрисидаги ҳикматларга, асар қаҳрамонининг бокс бўйича ўзига хос услублари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларга алоҳида ўрин берилган.

Назиржон Саидов, Асрор Мўминов, Усмонжон Шукуров, Ҳаётилло Исоқов ҳамда Тўлқин Сиддиқ қаламига мансуб рангли-безакли «Ўзбегимнинг баҳодири» китоби ижарадаги Тошкент матбаа комбинатида чоп этилган.

**(ЎзА).**





# БУНЁДКОРЛИК



***Ўн йил тарихан қисқа давр. Бироқ ана шу вақт ичида муборак юртимизда мисли кўрилмаган бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Қалбида миллий ғурур жўш урган фидойи, ташаббускор кишиларимиз ўз садоқатларини амалда намойиш этиб, улуғ ишларни рўёбга чиқаришмоқда. Замонавий уйлар, кенг, равон кўчалар, илм масканлари, хиёбонлар — буларнинг ҳаммаси Истиқлол шарофатидандир.***

***Қувончлиси шуки, қўйни-қўнжи бахтга тўлиқ кишилар ҳалол меҳнат қилиб, кам бўлишмаяпти. Улар қалбидаги армонлар чекиниб, асрий орзулари ушалмоқда. Зеро, ушбу суратларда ҳам фидойи меҳнат ва унинг мевалари ўз ифодасини топган.***







## 700 НАФАР ФУҚАРО ИШЛИ БЎЛДИ

Қарши тумани ҳокимлиги, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва иш билан таъминлаш бўлими, туман прокуратураси ҳамкорлигида меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Унда 90 та ташкилот 470 иш ўрни билан қатнашди. Шу куни 250 нафар киши доимий ишга жойлашди. 105 киши жамоат ишига, яна 100 нафари эса мавсумий ишга жалб қилинди.

Туманда мазкур ярмарка йил бошидан буён иккинчи марта ўтказилди. Бу тадбирлар натижасида 700 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди.

**Ж. СУЛТОНОВ.**

### *Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар*

# ТОПГАНЛАРИ ТЎЙГА БУЮРМОҚДА

Якшанба куни «Чорсу» деҳқон бозоридан чиқаётсам Қатағонсарой қишлоғилик эски қадрдоним Дўстмат бобони учратиб қолдим. Қўлида каттагина тугун, елкасида қоп.

— Хўп вақтида дуч келдингиз-да, - деди отахон. — Уйингизга ўтмоқчи эдим, йўлимни яқин қилдингиз. Келгуси шанба куни тўй. Катта набирамни уйлантираяпман.

— Тўй кузда бўлади, дегандингиз шекилли?

— Тўйга кетадиган харажатни ўзи еткazди. Йил якуни бўйича оиламиз аъзоларига 100 минг сўмга яқин дивидент пули тегди. Бу ширкат деганларида гап кўп экан.

Дўстмат бобо билан кўп йиллардан бери танишмиз. Эллик йилдан зиёд кетмон кўтариб, сувчилик қилди. Нафақага чиққанига ҳам анча бўлди. Лекин ҳалиям уни излаган одам ўзи меҳнат қилган 4-бригада даласидан топади.

— Дўстмат бобо сингари оқсоқоллар бебаҳо бойлигимиз, - дейди Тўрақўрғон туманидаги «Олтин водий» ширкат хўжалиги бошқарувининг раиси Убайдулла Абдуллаев. — Улар қўлида бебаҳо катта тажриба китоби бор. Шуни қанча кўп ўқиб ўргансак, ўзимизга шунча фойда. Шу боисдан ҳар бир бригадага биттадан тажрибали оқсоқолни бириктиб қўйганмиз. Уларнинг маслаҳатисиз бирон ишга қўл урмаймиз.

Дарҳақиқат, қари билганни пари билмас, деганларидек, Дўстмат бободек уста деҳқонлар айтганларига қулоқ тутилаётганлиги, илм-фан ютуқларидан самарали фойдаланилаётганлиги, ишловчиларга барча шарт-шароит яратиб берилганлиги муваффақиятлар омили бўлмоқда. Чунончи, ўтган йили ҳам деҳқончиликнинг барча турларидан юқори ҳосил олиниб, ялпи даромад 230 миллион сўмни ташкил этди. Шунинг 50 миллион сўми соф фойдадир.

— Икки йил бўлди ширкатга ўтганимизга, - дея суҳбатга қўшилди бош муҳосиб Абдусамад Турдиев. — Хўжалигимиз мулкида ҳар бир аъзонинг маълум улуши бор. Бинобарин, мулк эгаси бойлигини асраб уни кўпайтиришга интилади. Бугунги кунда иш ҳақидан қарзимиз йўқ. Маърифат Жўраева, Орзухон Каримова, Халил Ўрмонов, Абдужаббор Каримов каби меҳнатсевар ширкат аъзолари мўмай даромадли бўлдилар. Ўтган йилнинг дивидентини ҳам бугун-эрта беришни бошлаймиз. Хуллас, меҳнаткашлар уйи донга, ҳамёни пулга тўлиб хурсандчиликка хурсандчилик уланади.

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

# ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ

*Халқ саломатлиги йўлида сидқидилдан меҳнат қилаётган тиббиёт ходимлари ва барча Ўзбекистон халқини Ватанимиз Мустақиллигининг 10 йиллиги шодиёнаси билан самимий қутлайди.*





**Ҳур Ўзбекистонимиз равнақи йўлидаги шарафли ишингизда омад ва муваффақият ёр бўлсин!**

*Унутилмас онларда Сизларга мустаҳкам соғлиқ-саломатлик, оилангизга бахту саодат, аъло кайфият тилаймиз!*





# ЎЗБЕКИСТОН ЁҚИЛҒИ-ЭНЕРГЕТИКА, ГЕОЛОГИЯ ВА КИМЁ САНОАТИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ

*Соҳа ходимлари ва барча фуқароларни Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги байрами билан чин қалбдан табриклайди!*



**Файзли хонадонингиздан қут-барака аримасин!**



*Жондан азиз Ватанимиз — ҳур Ўзбекистон гуллаб-яшнайверсин!*

# ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЁҚИЛҒИ-ЭНЕРГЕТИКА, ГЕОЛОГИЯ ВА КИМЁ САНОАТИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

*Барча юртдошларимизни ва соҳа ходимларини энг улуғ айём — Ўзбекистон Мустақиллигининг 10 йиллиги билан чин қалбдан табриклайди.*



ОНА ВАТАНИМИЗДА ТИНЧЛИК-ХОТИРЖАМЛИК БАРҚАРОР БЎЛСИН!

# ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛ ТРАНСПОРТИ ВА ЙЎЛ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ

*Шу азиз ва мўътабар Ватанда истиқомат қилаётган барча юртдошларимизни Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги билан самимий муборакбод этади.*




БАРЧАНГИЗГА БАХТ-САОДАТ, ИШЛАРИНГИЗДА ОМАД ЁР БЎЛСИН!


БЕРУНИЙ ТУМАН «ЁҒГАР» ОЧИҚ ТУРДАГИ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ МАЪМУРИЯТИ, КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ
ТЎРТКЎЛ ТУМАНИДАГИ «ШЎРАХОН» ШИРКАТ ХЎЖАЛИГИ БОШҚАРУВИ
Ноз-неъмат бунёдкорларини энг улуғ, энг азиз байрамимиз билан самимий қутлайди.
ХАЛҚИМИЗ ДАСТУРХОНИНИ ТЎКИН-СОЧИН ҚИЛИШДЕК УЛУҒВОР ИШИНГИЗДА ОМАД ЁР БЎЛСИН!

*Ўзбекистон Қаҳрамонлари*

# МЕҲНАТ АРДОҒИ

***Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, жаҳон ҳамжамиятидаги обрўси ва нуфузини юксалтириш, давлат ҳамда халқ олдидаги катта хизматлари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалардаги қаҳрамонона меҳнатлари, ёш авлодни ватанпарварлик ва миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга қўшган улкан ҳиссалари учун бир гуруҳ меҳнат илғорларига Истиқлол айёми арафасида «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилди. Бундай бахтга сазовор бўлганлар орасида Муборак газни қайта ишлаш заводининг темирчиси Қобил Мўминов ҳам бор.***

Қобилнинг уйқуси қочди. Ўрнидан турганида энди субҳ ёриша бошлаган, само бағридаги сўнгги юлдузлар осмон тоқига яширинган эди. У чўл ҳавосидан нафас олиб, анча вақт хаёллар гирдобига чўмди. Сўнгра қўл-юзини ювиб, радиоприёмник қулоғини буради. Юртимизнинг бир гуруҳ асл фарзандларини Ватаннинг юксак мукофоти — «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони, олий нишон «Олтин юлдуз» медали билан мукофотлаш тўғрисидаги Президент Фармони ўқиб эшиттирилаётган эди.



Диктор учинчи бўлиб унинг исми-шарифини ўқиди. Чўл фарзанди қулоқларига ишонмади, ҳаяжондан кўзларида севинч ёшлари қалқиди...

Уй-рўзғор юмушлари билан банд Холкумуш опа эрта саҳардан ўртанча қизи Сайёра бир ёшли ўғли Дилшодни етаклаб ҳовлиқиб ҳовлига кириб келаётганлигини кўриб ҳайрон қолди.

Қизи аввал отасини, кейин онасини қучоқлаб ўпди:

— Отажон, сизни чин юракдан табриклайман. Қаҳрамонлик муборак бўлсин.

Бу хушхабардан онаси Норсут момонинг боши осмонга етди. Холкумуш опа шундагина ҳаммасини тушуниб етди. Қариндош-уруғлар, ҳовлига тўпланган жамоат Қобил ака билан бирга уни ҳам табриклашди.

Қобил қанот боғлагандек қадрдон заводига етиб келди. Кираверишда уни корхона раҳбари Барака Рустамов, экспрементал ускуналарни таъмирлаш цехи бошлиғи Амин Каримов ва касбдошлари гуллар билан кутиб туришади.

Шу куни заводга вилоят ҳокими Бахтиёр Ҳамидов, Халқ Демократик партияси вилоят кенгашининг биринчи котиби Фармон Омонов, вилоят касаба уюшмалари кенгаши раиси Эсон Ражабовлар келиб, Қаҳрамонни қутладилар.

Қобилнинг ҳаёт йўли жуда оддий ва шу билан бирга шарафли. Ўрта мактабни тугатгач, тракторчилик касбини эгаллади. 1971 йили газни қайта ишлаш заводи ишга тушиши билан шу ерда темирчи бўлиб ишлай бошлади. Устози Георгий Касковдан касб сирларини пухта ўрганди. Ва мана ўттиз йилдирки, жамоанинг илғор ишчилари сафида.

Темирчилик анчайин машаққатли касб. Хомашёдан турли деталлар тайёрлаш учун 1200-1400 даражагача иссиқликда ишлашга тўғри келади.

— Қобил изланувчан ишчи, — дейди цех бошлиғи Амин Каримов. — Доимо янгиликка интилади. Бундан икки йил муқаддам темирчилик печи кокс кўмири билан ишларди. Кўмир асосан Россия ва Қозоғистондан келтириларди. Қ.Мўминовнинг ташаббуси билан печ табиий газ билан ишлашга мослаштирилди. Натижада иқтисодий самарадорлик ортди.

Дарҳақиқат, Қобил Мўминов таклифлари билан у ишлаётган механика-таъмирлаш цехида сўнгги уч йил ичида бирмунча янгиликлар ишлаб чиқаришга жорий этилди. Жумладан, технологик жараёнларда муҳим аҳамиятга эга бўлган насослар учун валлар, кичик габаритли насослар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Янги технология асосида плазмали кавшарлаш ишлари амалга оширилди. Бу эса иқтисодий самарадорликка эришишда асосий омил бўлди. Биргина Қобилнинг ўзи ҳар йили 700-750 минг сўмлик иш бажармоқда. Унинг ташаббуси билан рангли ва оғир металларни эритиш учун алоҳида печлар қурилди.

Бир вақтлар ишни шогирдликдан бошлаган Қобил Мўминов бугун кўпларнинг устози. Раҳмат Отабоев, Саид Эшдавлатов, Рўзимурод Ёмғиров, Валентин Цимбал каби шогирдлари темирчилик касбини пухта эгаллаб олишган.

Меҳнат инсонни улуғлайди, дейдилар. Қобил Мўминов ўз меҳнати билан бахт топди, шараф топди. Чўл фарзанди Ватан корига яраётганидан, мустақилликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшаётганидан чексиз фахрланади, қалби ғурурга тўлади.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**Шавкат СУЛТОНОВ,**
**«Ишонч» мухбирлари.**

---

*Фахрия*

# ОЗОДЛИК САЙИЛЛАРИ

***Миллий байрамимизни ўнинчи марта нишонлаяпмиз. Ҳар йили ҳам байрам яқинлашаверса қалбимизни қувончли ҳиссиётлар, бой таассуротлар, умидбахш туйғулар қамраб олади. Негадир бу йилги ҳис-туйғулар бошқача. Ҳар ҳолда ўн йил сарҳисоб учун арзийдиган муддат. Мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида амалга оширган ишларимизнинг кўлами кенг, пойдевори мустаҳкам, натижалари аниқ. Мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятидан ўзининг муносиб ўрнини топа олди.***

Жаҳон харитасида, халқаро майдонда, дунё кўзгусида Ўзбекистон деган давлат ёғдудек нур соча бошлади. Бу ёғду қалбимизнинг тўрини ёритди, бизга эзгулик ва олий мақсад йўлидаги курашда ойдинлик, журъат ва қатъиятлик бағишлади. Демак, ўн йилликнинг ҳарорати, ҳаяжони бошқача, келажакка бўлган ишончни кучайтирган таъсир кучи бошқача.

Биз байрам арафасида Тошкент шаҳрининг кўча ва хиёбонларини, бозорларини ва бошқа аҳоли гавжум жойларини айланганимизда одамларнинг қиёфасига эътибор бердик, шаҳарликлар ва турли вилоятлардан келган юртдошларимиз билан суҳбатлашдик. Хорижликлар билан ҳам мулоқотда бўлдик. Қаерда бўлмайлик, ким билан суҳбатлашмайлик, бетакрор ва мафтункор манзаралар, ёз саховати — тўкинчилик, кўтаринки кайфият, одамлар юзидаги табассум, уларнинг дил сўзлари бизни мамнун этди.

Тинчлик, тотувлик ва барқарорликдан мамнунлик аломатлари фақат одамларнинг чеҳраларида эмас, балки ўзаро муомала ва муносабатларида ҳам акс этиб турибди. Айниқса, одамлар ҳаётида миллий қадриятларимиз тикланаётганлигини айтмайсизми. Бугунги кунда «Ассалому алайкум», «Худо хоҳласа», «Худога шукур» деган сўзлар ёшу қарининг ҳаётига сингиб кетди. Илгари бировга «тақсир» деб мурожаат қилсангиз, «нега мени ҳақорат қиляпсан» деб унинг жаҳли чиқар эди. Ҳозир, аксинча, «ўртоқ» десангиз камситгандай бўласиз, «биродар», «тақсир», «жаноб» сўзлари муомала маданиятимиздан мустаҳкам ўрин олди. Бугун ҳар бир ўзбек ва ўзбекистонлик Амир Темур хиёбони, Мустақиллик майдони, Сайилгоҳ кўчаси, «Турон» меҳмонхонаси, «Туркистон» саройи дейиш билан фахрланяпти. Бу одамларда миллий ғурур ва миллий ифтихор туйғуси ошганлигини кўрсатади.

Буларни эслашнинг боиси бор. Мустақиллик ўз номи, мазмун-моҳияти билан миллий байрам ҳисобланади. Ва у фақат мазмун-моҳияти билангина эмас, балки ташқи кўриниши ва ташкилий жиҳати билан ҳам илгариги байрамлардан фарқ қилади. Келинг, яхшиси, олдинги даврни бир эслаб кўрайлик. Байрамга тайёргарлик ишлари бир неча ой олдин бошланар ва ҳамма нарса буйруқ асосида амалга оширилар эди. Энг биринчи мажбурий ҳолат — бу ҳар бир корхона, муассаса, ташкилот ва ўқув юртлари томонидан мамлакат «доҳийлар»и — сиёсий бюро аъзолари, сиёсий бюро аъзолигига кандидатлар, коммунистик партия марказқўмининг котиблари портретларини сотиб олиш эди.

Қайси бир йили байрамга тайёргарлик кўрувчилар Пельшенинг портретини тополмай роса овора бўлишди. Вилоятдагилар уни Тошкентдан ҳам топишолмади. Хуллас, ҳеч қаерда йўқ. Ҳамма ҳайрон ва сарсон. Сабабини ҳеч ким билмайди — ҳеч қандай ахборот йўқ. Москвадан байрам репортажи берилди: экрандан кўз узмай тикилиб ўтирдик, у ерда ҳам кўринмади. Кейин билсак, байрам арафасида сиёсий бюрода чолнинг думини тугишган экан. Ўша пайтда бундай воқеалар кўп бўларди: «доҳийлар»и йўлчи юлдуздек бирдан чақнаб, кутилмаганда оққан юлдуздек шуҳрат майдонидан ғойиб бўларди. Ана ўшанда минглаб одамлар кўтарган портрет ахлатга отиларди.

Байрамга тайёргарлик жараёнида энг асосий талаблардан бири — бу ишхонадаги ёки ўқув юртидаги барча одамларнинг рўйхатини тузиш ва йиғилиш ўтказиб, уларни огоҳлантириш эди. «Кимда-ким байрам намойишига келмаса, ишдан ҳайдалади!» деб жамоанинг ҳар бир аъзоси раҳбарият томонидан огоҳлантирилар эди. Ўқув юртларида ҳам худди шундай. Вилоятлардан келганлар ота-оналарини кўришга ҳам боришолмасди. Қани, намойишга бормай кўрингчи?!

Мустақиллигимизнинг ўтган байрамларида биз бутунлай бошқа манзарани кўрдик. Туманлар ва вилоятларда ҳам, мамлакатимиз пойтахтида ҳам байрам халқ сайили тарзида ўтказилмоқда. Масалан, Тошкентда ким қайси майдон ёки хиёбонда сайр қилади, ким қаерда қўшиқ тинглаб, қаерда шеър эшитади, ким қайси театр ёки музейга боради, ким-кимнинг ҳолидан хабар олиб, кимларни муборакбод этгани боради — ҳар кимнинг ихтиёри ўзида, ҳеч қандай рўйхат ҳам, огоҳлантириш ҳам йўқ. Шуниси аниқки, пойтахтдаги бош майдон — Мустақиллик майдони файзли халқ сайли шодиёналари оғушида қолади. Ҳар йили Халқлар Дўстлиги саройи, «Туркистон» саройи, Навоий театри олдидаги майдонлар, Хадра майдони, Миллий боғ, Боғи Эрам, Амир Темур хиёбони, Сайилгоҳ, Анҳор бўйи ва бошқа жойларда халқ сайиллари шу даражада латофатли, файзли, гавжум ҳолатда ўтадики, бундан кўрган кўз қувонмаслиги мумкин эмас. Ҳамма жойда карнай-сурнай садолари, куй-қўшиқ оҳанглари янграйди, турли томошаларни кўриб болалар-у катталарнинг дили яйрайди. Маҳаллалардаги олижанобликларни айтмайсизми. Қарияларни зиёрат қилиш, ота-оналар дуосини олиш, беморлар ҳолидан хабар олиш, етимлар-у бева-бечораларга ёрдам қўлини чўзиш... Ҳаммаси миллий қадриятларимизга мос.

Шундай қилиб, халқимиз бу йил ўнинчи марта мустақиллик нашидасини суради. Бунга унинг ҳаққи бор. Қанча ғавғолар-у иғволарни, қанча маломат-у балоларни енгган халқимизга адолатнинг ҳаётбахш шамоллари шодлик, ғурур, фахр-ифтихор туйғусини олиб келди. Сўзсиз, бу туйғу озодликнинг ўн йиллиги тантаналари кунида янада ёрқинроқ намоён бўлади. У халқ оммасининг эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамлайди, унга хушкайфият. шижоат ва қатъиятлик бахш этади.

Ҳозир мамлакатимиздаги барча меҳнат жамоаларида, ўқув даргоҳларида, хизмат шахобчаларида, маҳаллаларда улуғ ва қутлуғ байрамимиз уйғотган кўтаринкилик, жўшқинлик ва уюшқоқлик руҳи ҳукмрон. Бу Ватан озодлигининг умрбоқийлигидан, юрт келажагининг буюклигидан далолатдир.

Елкасига адолат ва озодлик офтоби теккан халқимизга бугун эъзозли шоиримизнинг қуйидаги қутлови ярашади:

***Ўз қўлингга олганинг-***
***ялов сенга муборак,***
***Юрагингда сўнмаган***
***олов сенга муборак.***

**Иброҳим НОРМАТОВ.**

---

Кундалик ҳаётимизнинг узвий бўлагига айланиб қолган Почта ва телефон алоқалари корхоналарининг кўп қиррали фаолиятида ҳам туб ўзгаришлар рўй бермоқда. «Тошкент телефон тармоғи» акциядорлик жамияти Собир Раҳимов туман бўлими фаолиятида ҳам бу борада сезиларли ижобий ўзгаришлар амалга оширилди. Идора ва хонадонларнинг аксарияти энг замонавий алоқа воситаларидан фойдаланмоқда.

## ОДАМЛАРГА ҚУВОНЧ БАҒИШЛАБ

Жорий йилнинг 6 ойи мобайнида туманда 780 та абонентга телефон ўрнатиб берилди. 29 АТСда рақамли электрон алоқа хизмати жорий қилинди. У йил охирига бориб тўла фойдаланишга топширилади.

— Ҳозиргача бажарилган иш кўлами, - дейди филиал бош муҳандиси Рафаэл Сабирзиянов, - 402 миллион сўмни ташкил этади. Яъни, ярим йиллик режа 110 фоизга уддаланди. Галдаги вазифа эса хизмат кўрсатишнинг қўшимча турларини, яъни бошқа АТСларда ҳам жорий этишдир. Бундан кутилган мақсад рақамли электрон АТСлар хизматини йўлга қўйиб, замонавий алоқа хизматини янада яхшилашга эришишдир.

Мазкур жамоада айни пайтда 408 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг ижтимоий муҳофазасига алоҳида эътибор берилаётир. Кам таъминланган оилаларга байрам муносабати билан моддий ёрдам кўрсатилди, илғорлар қимматбаҳо совғалар билан рағбатлантирилди.

**Акмал АЛЛАМУРОДОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

---

*Футбол: мамлакат чемпионати*

# ЗАВҚЛИ ДАМЛАР

***Кечагина эди гўё, мустақил Ўзбекистоннинг футбол бўйича биринчи чемпионатига старт берилгани. Бугун эса биз боболарнинг орзуси бўлган истиқлолнинг ўн йиллик тантаналарида иштирок этмоқдамиз. Ўтган давр мобайнида эришилган ютуқлар сирасида спортчиларимизнинг ҳам муносиб ҳиссалари борлиги кўксимизни тоғ, кайфиятимизни чоғ қилмоқда.***

Мухлисларга хос шартакилик ила гоҳ-гоҳида футболчиларимиздан ранжиганлигимизни изҳор қилиб турсак-да, инсоф юзасидан айтганда, ўша 1994 йили Хирасимада Осиё ўйинлари чемпиони бўлиб, олтин медаллар соҳибига айланган аҳил жамоа кўз ўнгимизда яна қайта тикланаётганини, озроқ йиғинчоқлик ва астойдил ҳаракат бўлса, яна бир улуғ довон ошиш арафасида турганлигимизни-да ич-ичдан ҳис қилиб турибмиз. Бу умид шубҳасиз Жаҳон чемпионати саралаш босқичи учрашувларидаги муваффақиятли иштирок билан боғлиқ эканлигини бугун етти ёшдан етмиш ёшгача — барча футбол ишқибозлари яхши билишади. Эътироф этишимиз жоиз: бунинг учун имкон бор. Насиб этса, орзуларимиз рўёбга чиқиб, сурурли дамларимиз янада кўпаяди ва у кўнгилларни равшан этувчи энг лаззатли лаҳзалар сифатида шууримиздан мустаҳкам ўрин олади.

Ана шундай масрур онларда мамлакат ўнинчи чемпионатининг навбатдаги тури ҳам бўлиб ўтди. Карвонбошиликни ҳеч кимга бермай келаётган «Нефтчи» ўз майдонида «Сурхон»ни қабул қилиб, ғалаба нашидасини суришга муваффақ бўлди — 3:0. Иккита учрашувда эса мухлислар бамисоли осмондан ёққан тўплар ёмғирига гувоҳлик қилишди. «Самарқанд-Динамо» чемпионат аудсайдери «Семурғ» билан ўтказилган баҳсни 4:3 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилган бўлса, «Андижон» командаси айни кунларда етакчи футболчилари уч жабҳада — ўз жамоаси, миллий терма команда ва Осиё чемпионлари Кубоги баҳсида иштирок этаётган «Насаф» қаршилигини енга олмади. Гарчанд матчнинг 77-дақиқасида 4:2 ҳисобида олдинда бораётган эса-да, охир-оқибат дуранг натижа қайд этилди — 4:4.

Қолган ўйинлар қуйидагича якун топди: «Сўғдиёна» - «Навбаҳор» - 2:1, «Академия» - «Металлург» - 2:2, «Зарафшон» - «Дўстлик» - 1:0, «Қизилқум» - «Бухоро» - 1:2, «Турон» - «Кимёгар» - 1:0, «Трактор» - «Пахтакор» - 1:1.

## 24-ТУРДАН КЕЙИНГИ ВАЗИЯТ

| Жамоалар | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. «Нефтчи» | 22 | 19 | 2 | 1 | 67-16 | 59 |
| 2. «Насаф» | 23 | 17 | 3 | 3 | 59-31 | 54 |
| 3. «Навбаҳор» | 23 | 14 | 0 | 9 | 51-33 | 42 |
| 4. «Пахтакор» | 20 | 13 | 1 | 6 | 43-23 | 40 |
| 5. «Дўстлик» | 22 | 12 | 4 | 6 | 48-29 | 40 |
| 6. «Академия» | 22 | 10 | 7 | 5 | 47-24 | 37 |
| 7. «Самарқанд-Д» | 23 | 11 | 2 | 10 | 44-42 | 35 |
| 8. «Қизилқум» | 22 | 10 | 3 | 9 | 32-28 | 33 |
| 9. «Зарафшон» | 22 | 9 | 5 | 8 | 35-30 | 32 |
| 10. «Бухоро» | 23 | 10 | 2 | 11 | 41-46 | 32 |
| 11. «Трактор» | 22 | 9 | 4 | 9 | 37-38 | 31 |
| 12. «Андижон» | 23 | 9 | 3 | 11 | 42-44 | 30 |
| 13. «Сўғдиёна» | 23 | 8 | 4 | 11 | 27-36 | 28 |
| 14. «Турон» | 23 | 5 | 5 | 13 | 21-48 | 20 |
| 15. «Кимёгар» | 23 | 5 | 4 | 14 | 19-40 | 19 |
| 16. «Металлург» | 23 | 4 | 7 | 12 | 21-49 | 19 |
| 17. «Сурхон» | 22 | 5 | 1 | 16 | 23-56 | 16 |
| 18. «Семурғ» | 23 | 2 | 3 | 18 | 27-71 | 9 |

---

*Савдолар 2001 йил 3, 10, 17, 24 октябр кунлари соат 11.00 да Республика Биржалар маркази биносида ўтказилади.*

**Савдоларга қуйидаги кўчмас мулк объектлари қўйилади:**

1. Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Ниёзов кўчаси, 17-уйда жойлашган Давлат архитектура қурилиш қўмитасига қарашли Илмий изланиш лойиҳа-технология институтининг пойдевори асоси ва ерости қурилмалари.

**Бошланғич баҳоси — 4443,2 минг сўм ёки 13 000,0 АҚШ доллари (Низом жамғармаси 65 фоизи)**

**ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!**

**РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!**

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

2.Тошкент шаҳри, Яккасарой туманида жойлашган Маданият вазирлигига қарашли Тошкент ёдгорлик ва ҳайкалтарошлик санъати комбинати.

**Бошланғич баҳоси — 20 992,0 минг сўм ёки 57 600 АҚШ доллари.**

**Мазкур кўчмас мулк объектларига қизиқиши бор хорижлик сармоядорлар, юридик ва жисмоний шахслар Республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишларини сўраймиз.**

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! Имкониятингизни бой берманг.**

**Аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига 1 соат қолганида тўхтатилади**

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, Республика Биржалар маркази биноси, 3-қават, 44-хона, Республика Кўчмас мулк биржаси.**

**Маълумот учун телефонлар: 136-26-26, 136-28-75**
**Факс: 136-06-17**

**ISHONCH**

**МУАССИС:** Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

**Таҳрир ҳайъати:**
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 3.20

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи;* 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

*«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.*

Буюртма Г— 2824. 1 2 3 4 5 6